


"Темур тузуклари" сайти ишга туширилди

30 сентябр 2016



Мазкур “Темур тузуклари” веб-сайти Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлигида UZINFOCOM маркази томонидан ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Темур тузуклари" [веб-сайти](#)ни ишлаб чиқишда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳисса қўшди.

Сайтдаги маълумотларга кўра, Амир Темурнинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Биринчи Президентиимиз Ислон Каримов таклифига кўра, "Темур тузуклари" □□ асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарининг веб-сайтини фойдаланувчилар учун қизиқарли ва қулай ишлаб чиқишда юқорида келтирилган нашрнинг матни ҳамда Амир Темур ва «Темур тузуклари» асарига ишланган миниатюралар, рангли иллюстрациялар ва суратлардан фойдаланилди.

Веб-сайтда «Темур тузуклари» асари ҳақидаги қимматли мақола ва қизиқарли маълумотларга кенг ўрин берилган. Аҳамиятлиси, маълумотлар фойдаланувчилар учун қулай, замонавий шаклларда тақдим этилишига алоҳида эътибор қаратилган.